



Ер сиртига етиб бориш учун куёш нурлари жиддий тўсиклардан ўтишлари керак. Агар атмосфера ўзидан ушбу нурларни ўтказиши мумкин бўлган структурага эга бўлмаганида, у холда, равшанки, бизга куёшдан ҳеч қандай наф бўлмаган бўлур эди. Таъкидлаш жоизки, атмосфера коинотда кезиб юрган ҳар қандай нурларни ҳам ўзидан ўтказавермайди, балки айнан мана шу нурларни ўтказилади. Атмосфера ҳаёт учун зарур бўлган кўриниб турувчи ёругликни ва инфракизил филтёр вазифасини ўтаб, коинотдан келувчи зарарли реакциянинг бошқа турлари йўлини тўсади.

Ушбу масалада шунчалик гаройиб режа борки, унинг мукамаллигини тан омасликнинг иложи йўқ.

Куёш бизга фақат ўндан бирнинг йигирма бешинчи даражаси микдордаги фойдали нурланишни жўнатади, холос ва фақат ана шу нурланишгина атмосферадан ўта олиш қобилиятига эга экан.

Ушбу ходисанинг гаройиблиги «Британика энциклопедияси»да қуйидагига таърифланади.

«Кўриниб турган куёш ёруглигининг Ердаги ҳаётнинг барча жihatлари учун муҳимлигини кўриб чиқиб унинг атмосферадан ўта олиш қобилиятига эга спектри нақадар торлигидан хайратмасликнинг иложи йўқ». (Encyclopedia Britannica, 1994, 15th ed., t.18, S. 203)

Материалистик фалсафа ва унинг назарий асоси бўлган дарвинизм: «Коинотда инсон ҳаётининг пайдо бўлиши тасодифий ва ҳеч қандай мақсадга эга эмас», деб уқтиради. Бирок ривожланаётган фаннинг янгиликлари Коинотнинг ҳар бир заррасида, мақсади инсон ҳаётини пайдо қилиш ва сақлаб қолиш бўлган гоё, режа борлигини кўрсатмоқда. Ҳар бир заррада ҳисоблаб чиқилган ушбу режани тасодиф деб тушунтиришга ҳаракат қилиш гирт бемаънилиқдир.

Ушбу гаройиб даражада тўғри қурилган тизим онгли гоё маҳсулидир, лекин ҳеч ҳам тасодиф эмас.

Коинот ва унинг барча деталлари бизни иситаётган, бизга кўриш имкониятини бераётган

Куёш нури Аллох коинотимизни хаётимиз учун энг макбул тарзда яратганлигини кўрсатмоқда.

Олимларнинг хулосалари Куръони Карим бундан ўн тўрт аср олдин одамларга хабар берган хакикатдир. Куёш нури бизга хизмат килиш учун яратилганлигини фан ҳам кўрсатмоқда.

Куръони Каримда эса айтилади: **«Куёш ҳам, Ой ҳам (аник) ҳисоб-ўлчов билан (жорий бўлур)»** . Куръон, 55:5

«Аллох – осмонлар ва ерни яратган ва осмондан сув (ёмгир-кор) ёғдириб, унинг ёрдамида сизларга ризк бўладиган меваларни чиқарган Зот. У доимо айланиб турувчи куёш ва ойни ҳам сизларга бўйсундирди. Яна кеча ва кундузни сизлар учун бўйсундирди. Шунингдек, сизларга барча сўраган нарсаларингиздан адо этди. Агар сиз Оллохнинг неъматларини санасангизлар, саногига етолмайсизлар. Хакикат, инсон зоти ўта золим ва жуда ношукурдир». (Куръон, 14:32-34)

Манбалар асосида Абу Муслим тайёрлади